

“NAVOIY
KON-METALLURGIYA
KOMBINATI”
AKSIYADORLIK JAMIYATI



“NAVOI MINING AND
METALLURGICAL
COMPANY”
JOINT-STOCK COMPANY

210100, O‘zbekiston Respublikasi, Navoiy viloyati, Navoiy sh., Navoiy ko‘chasi, 27-uy. Tel.: +(998) 792277164,
STIR 308425864, e-mail: info@ngmk.uz, Exat: nkmk@exat.uz, www.ngmk.uz

20 23 yil “24” may № 10-01-01/06/4787

O‘zbekiston Respublikasi
Hisob palatasi

Manzil: Toshkent shahar, I.Karimov ko‘chasi 43-uy

“Navoiy kon-metallurgiya kombinati” AJ 2023-yil 16-maydagi 04-412-sonli xat ijrosi yuzasidan Komplaens xizmati tomonidan 2023-yilning 1-may holatiga amalga oshirilgan ishlari haqidagi ma’lumotlar ilovadagi jadvallar asosida yuborilmoqda.

Ilova: jadval 12 varaqda.

Bosh direktor o‘rinbosari



Q. Taparov

ijrochi: R.Avezov
tel: 79-227-77-70

"НКМК" АЖНИНГ
2023 йил 24 майдаги 10-01-01/06/4787 - сонли
хатига 7-илова

**Коррупцияга қарши курашиш, шу жумладан бюджет маблағларини ноқонуний сарф қилинишини олдини олиш бўйича йўл-харита
лойиҳасига киритиладиган таклифлар юзасидан**
ТАҲЛИЛИЙ ЖАДВАЛ

№	Соҳадаги мавжуд муаммо ва камчиликлар	Муаммо ва камчиликларни бартараф этиш бўйича асослантирилган таклифлар
1	Давлат харидларини амалга ошириш жараёнида етказиб берувчилар томонидан таклиф этилаётган товарлар (ишлар, хизматлар) номи ва у ҳақидаги бошқа маълумотлар маҳсус ахборот порталига хато киритилган ҳолатларда мазкур етказиб берувчиларни инсофсиз ижро чиларнинг ягона реестрига киритиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.	"Давлат харидлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг 48-моддаси 4-хатбо исига қуйидагича қўшимча киритиш мақсадга мувофиқ бўлади: "давлат харидлари жараёнида ёлғон ёки сохта ҳужжатларни тақдим этган, маҳсус ахборот порталига хато маълумотларни киритган , айни битта лотда иштирок этган аффилланган шахслар ёки манфаатлар тўқнашуви тўғрисида маълумотларни очиб бермаган иштирокчилар тўғрисидаги"

	<p>Ўзбекистон Республикасининг Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги Қонунида “Манфаатлар тўқнашуви” тушунчасига таъриф берилган.</p> <p>Аммо давлат бошқаруви соҳасида манфаатлар тўқнашувига йўл қўйилганлиги учун жазо турлари аниқ белгилаб берилмаган. Бу ўз навбатида давлат бошқаруви соҳасида манфаатлар тўқнашувига қарши курашиш ва ўз вақтида бартараф қилиш борасидаги назорат тадбирлари самарадорлигига салбий таъсир ўтказмоқда.</p>	<p>Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексини 209-1-модда билан тўлдириш лозим:</p> <p>“209-1-модда. Давлат бошқаруви соҳасида манфаатлар тўқнашуви Манфаатлар тўқнашуви , яъни шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахснинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг хукуклари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келиши оқибатида фуқароларнинг хукукларига ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилишига сабаб бўлса, ёхуд шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса —</p> <p>базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян хукуқдан маҳрум қилиш ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан икки йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.</p> <p>Ўша ҳаракат:</p> <ul style="list-style-type: none"> а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан; б) уюшган гурӯҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, — базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян хукуқдан маҳрум қилиб, икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан
3	<p>Коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари раҳбарлари ва ходимлари ташкилотда коррупцияга қарши курашиш механизmlарини жорий этишини инобатга олиб, унинг меҳнатига ҳақ тўлашни ташкилот раҳбарининг ўринбосари ва ходимларини бошқа масъул раҳбарларига тенглаштириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Ходимларни моддий жиҳатдан рағбатлантириш ишнинг сифатини оширишга хизмат қиласи.</p>	<p>Коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари раҳбарлари ва ходимлари ташкилотда коррупцияга қарши курашиш механизmlарини жорий этишини, коррупцияни олдини олиш чораларини кўришини инобатга олиб, унинг меҳнатига ҳақ тўлашни ташкилот раҳбарининг биринчи ўринбосарига, раҳбар ўринбосарини ташкилот раҳбари ўринбосарига ва ходимларини бошқарма бошлиғига тенглаштириш бўйича норматив-хукукий ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқиш.</p>

4	<p>Коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари ходимлари муқаддам ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида фаолият юритгандылығы боис, уларга илгари тегишли буйруқ асосидан олинган мартаба даражалари беришни жорий этиш мақсадға мувофиқ ҳисобланади.</p>	<p>Коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари ходимларининг кўп йиллик хизмат даврини ҳисоблаш, уларга мартаба даражалари бериш, кўп йиллик хизмат учун устамаларни тўлаш тартибини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқиш.</p>
5	<p>Ички назорат тузилмаси томонидан коррупцияга қарши курашиш жараёнида иқтисод қилинган ёки тежалган маблағлар ҳисобидан ходимларини моддий рағбатлантиришни жорий этиш мақсадға мувофиқ ҳисобланади. Бу ўз навбатида ходимларни ишга бўлган масъулиягини янада оширишга ҳамда изланишга унди.</p>	<p>Коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари томонидан коррупцияга қарши курашиш жараёнида иқтисод қилинган ёки тежалган маблағлар ҳисобидан ходимларни моддий рағбатлантиришни татбиқ этиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқиш.</p>

Комплаенс хизмати бошлиғи

R.Аvezov

ижрочи: Б.Тошев
тел: 79-227-77-14